

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВ БОТИР ИНАТОВИЧ

**ШАҲАР АВТОБУС ЙЎНАЛИШЛАРИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ
СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Абдуллаев Ботир Инатович

Шаҳар автобус йўналишларида транспорт хизмати сифат
кўрсаткичларини такомиллаштириш 3

Абдуллаев Ботир Инатович

Совершенствование показателей качества транспортных услуг в
городском автобусном маршруте 25

Abdullaev Botir Inatovich

Improvement of indicators of quality of transport services in city bus
route..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВ БОТИР ИНАТОВИЧ

**ШАҲАР АВТОБУС ЙЎНАЛИШЛАРИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ
СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Т289 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tayi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Назаров Анвар Арипович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Алимухамедов Шавкат Пирмухамедович
техника фанлари доктори, профессор

Сидикназаров Кахрамон Миллябаевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, А.Темур шоҳ кўчаси 20–уй. Тел./факс: (99871) 232–14–39, e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20–уй. Тел.: (99871) 232–14–39.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Рискулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доц.

Х.М.Мамарахимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

А.А.Мухитдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида йирик шаҳарларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати кўрсаткичлари, жумладан, йўловчиларни йўлда ортиқча ушланиб қолишларсиз манзилларига ўз вақтида, комфорт шароитда етиб бориш масалалари, мавжуд муаммоларнинг замонавий ечими ҳамда хизмат сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Сингапур, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларда шаҳар автобус йўналишларида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашнинг янги илмий–техникавий ечимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹.

Жаҳонда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, шаҳар жамоат транспорти ишини комплекс ёндашувларга асосланган ҳолда такомиллаштириш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, шаҳар автобус йўналишларида транспорт хизмати сифат кўрсаткичларини интеграл баҳолаш мезони, уларнинг ҳаракатланиш режими билан бошқариладиган чорраҳаларнинг боғлиқлигини аниқлаш, перегон участкаларда режалаштирилган ҳаракат интервалини таъминлаш бўйича мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга сифат кўрсаткичларининг белгиланган меъёрини таъминлаш усулини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифат кўрсаткичларини оширишга қаратилган, шаҳар жамоат транспорти ишини комплекс ёндашувларга асосланган ҳолда такомиллаштириш масалаларига йўналтирилган илмий–тадқиқот ишлари устувор хусусиятга эга бўлмоқда. Кейинги йилларда шаҳар жамоат транспорти ишини ташкил этиш бўйича илмий–тадқиқот ишлари йўловчиларни манзилларига ўз вақтида етиб боришларини, транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ташиш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ошириш каби муаммоларни ҳал этишга йўналтирилмоқда. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш масалалари жуда кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ёндашув ва комплекс ҳал этишни тақозо этади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф–муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш...»² масалалари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бугунги кунда шаҳар йўналишли автобус транспорти олдида турган энг долзарб муаммолардан бири – йўловчиларни манзилларига ўз вақтида етказиш

¹ <http://www.dissercat.ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ҳисобланади. Зеро, кўча-йўл тармоғидаги мавжуд тирбандликлар шаҳар жамоат транспортининг чорраҳаларда асоссиз ушланиб қолишига, йўналишларда ўртача тезликларнинг пасайиб кетишига, натижада ҳаракат интерваллари белгиланган меъёрдан ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида жамоат транспортдан фойдаланаётган йўловчилар манзилларига ўз вақтида етиб бормаслик ҳолатлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Йўловчилар йўлларда узоқ вақт қолиб кетишлари натижасида мамлакатимиз иқтисодиётига катта моддий зарар етказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги ПҚ-2048-сон “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сон “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрдаги №309-сон “Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 11 мартдаги №129-сон “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг III. «Энергетика, энергия-ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтга қадар шаҳар автобусларида йўловчилар ташиш технологияларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг илмий асосларини яратиш бўйича жаҳоннинг йирик олимларидан, жумладан, АҚШдан E.Ingrid, M.Mistretta, Jay A. Goodwill, Европадан A.Monzon, Bashir Shalaik, D.A.Hensher, G.A.Giannopoulos, Richard Anderson, H.Nishiuchi, C.Morton, A.Bristow, М.Е.Антошвили, М.А.Вайншток, И.В.Спирин, Н.Б.Островский, А.В.Шабанов, В.А.Гудков, А.М.Большаков, С.П.Артемов, Л.Б.Миротин, А.В.Вельможин, В.В.Зырянов, Г.А.Варелопуло ва юртимиздан Б.А.Ходжаев, Г.А.Саматов, С.А.Салимов, Ш.А.Бутаев, К.Б.Насретдинов, Л.А.Ахметов, В.С.Мун, Г.В.Болоненков, Ж.Р.Кульмухамедов, К.М.Назаров, А.А.Назаров ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган.

Мазкур олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уларнинг барчасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати ва уни таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган. Аммо аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати таъсир этувчи кўрсаткичларнинг тасодифий ўзгариш табиати етарлича ўрганилмаган. Бундан ташқари, ўтказилган тадқиқотларда шаҳар автобус йўналишларида йўловчиларнинг манзилларига ўз вақтида етиб бориш масалалари, уларга

транспорт хизмати кўрсатиш сифат даражасини белгиловчи омил сифатида етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти илмий–тадқиқот ишлари режасининг №12 “Транспорт логистикасининг долзарб муаммолари” мавзусидаги (2017-2019) устувор илмий–тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шаҳар автобус йўналишларида транспорт хизмати сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

шаҳар автобус йўналишларида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини баҳолаш мезонларининг таҳлили асосида кўрсаткичларни танлаш;

шаҳар автобус йўналишларида транспорт хизмати сифат кўрсаткичларини интеграл баҳолаш мезонини такомиллаштириш;

автобусларнинг ҳаракатланиш режими билан бошқариладиган чорраҳалар орасидаги боғлиқликни аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

перегон участкаларда автобусларнинг режалаштирилган ҳаракат интервалини таъминлаш усулини ишлаб чиқиш;

шаҳар автобус йўналишларида ҳаракатланувчи таркиб сифидан фойдаланиш коэффиценти меъёрий қийматини, унга таъсир этувчи кўрсаткичлар орқали таъминлаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳри шароитида йўловчи ташувчи автобус йўналишлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети автобусларда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифат кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кузатув, математик таҳлил, статистика ва моделлаштириш, кластерли, тизимли ва назарий таҳлил, асосий компонентларни синтезлаш, абстрактлаш ва индукция усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шаҳар автобус йўналишларида транспорт хизмати сифат кўрсаткичларини интеграл баҳолаш мезони такомиллаштирилган;

автобусларни ҳаракатланиш режими билан бошқариладиган чорраҳалар орасидаги боғлиқликни аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

перегон участкаларда автобусларнинг режалаштирилган ҳаракат интервалини таъминлаш усули ишлаб чиқилган;

шаҳар автобус йўналишларида ҳаракатланувчи таркиб сифидан фойдаланиш коэффиценти меъёрий қийматини, унга таъсир этувчи кўрсаткичлар орқали таъминлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

автобусларнинг ҳаракатланиш режими билан бошқариладиган чорраҳалар орасидаги боғлиқлик аниқланган;

перегон участкаларда автобусларнинг режалаштирилган интервалларда ҳаракатланиши ташкил этилган;

шаҳар автобус йўналишларида ҳаракатланувчи таркиб сиғимидан фойдаланиш коэффициентига таъсир этувчи кўрсаткичларнинг боғлиқлигини аниқловчи дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

шаҳар автобус йўналишларида йўловчиларга транспорт хизмат кўрсатиш сифати яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик статистика усулларининг қўлланилганлиги ва олинган натижаларни ўтказилган бошқа тажрибалар натижалари билан солиштириш орқали асосланган. Назарий тадқиқотлар натижалари тажриба натижалари билан тизимли ва назарий таҳлил усулида асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шаҳар автобус йўналишларида йўловчиларни манзилларига етказиб бориш вақтини рационал ташкил этиш, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ҳаракатланувчи таркиб сиғимидан фойдаланиш коэффициентининг меъёрини таъминлаш ҳисобига ошириш, автобуслар йўналишларда асоссиз ушланиб қолишининг олдини олиш орқали улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ҳисобий дастур ва аналитик ҳисоб усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти автобуслар ҳаракат режимига бошқариладиган чорраҳалар ва перегон участкаларнинг таъсири аниқланиб, режалаштирилган ҳаракат интервалини таъминлаш ҳисобига йўловчилар манзилларига ўз вақтида етиб боришларини таъминлаш ва автобуслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шаҳар автобус йўналишларида транспорт хизмати сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

такомиллаштирилган транспорт хизмати сифат кўрсаткичларини интеграл баҳолаш мезони “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тасарруфидаги автосаройлар автобус йўналишларида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини баҳолашда жорий этилган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2018 йил 28 декабрдаги 6/16-102-сон маълумотномаси). Натижада автобус йўналишларида хизмат кўрсатиш сифат кўрсаткичларини интеграл баҳолаш имконияти яратилган;

ишлаб чиқилган автобусларни ҳаракатланиш режими билан бошқариладиган чорраҳалар орасидаги боғлиқликни аниқлаш усули “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тасарруфидаги автосаройлар автобус йўналишлари иш фаолиятига жорий этилган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2018 йил 28 декабрдаги 6/16-102-сон маълумотномаси). Натижада йўналишда автобусларнинг бошқариладиган чорраҳаларда ушланиб қолиш эҳтимоллиги аниқланиб, иш жадвалларига ўзгартириш киритиш имкониятига эришилган;

ишлаб чиқилган перегон участкаларда автобусларнинг режалаштирилган ҳаракат интервалини таъминлаш усули “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тасарруфидаги автосаройлар автобус йўналишлари иш фаолиятига жорий этилган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2018 йил 28 декабрдаги 6/16-102-сон маълумотномаси). Натижада йўналишда автобусларнинг перегон участкаларда ушланиб қолиш эҳтимоллиги аниқланиб, иш жадвалларига ўзгартириш киритиш имкониятига эришилган;

ишлаб чиқилган шаҳар автобус йўналишларида ҳаракатланувчи таркиб сифимидан фойдаланиш коэффиценти меъёрий қийматини, унга таъсир этувчи кўрсаткичлар орқали таъминлаш усули “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тасарруфидаги автосаройлар автобус йўналишлари иш фаолиятига жорий этилган (“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2018 йил 28 декабрдаги 6/16-102-сон маълумотномаси). Натижада йўналишларда автобуслар сифимидан фойдаланиш коэффицентини талаб этиладиган қийматини таъминлаш имкониятига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг қўйилиши, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари”** деб номланган биринчи бобида Тошкент шаҳри автобус йўналишларида йўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳолати, унинг сифатига таъсир этувчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлашнинг турли мезонлари бўйича олиб борилган илмий–тадқиқот ишлари таҳлил қилинган ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган. Шулардан келиб чиқиб,

диссертациянинг асосий мақсади, йўналиши ва масалаларини ифодаловчи ишланмалар баён этилган.


“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тасарруфидаги корхоналар ҳозирда 9 русумдаги Исузу, Мерседес–Бенц LF, MAN ва бошқа замонавий автобусларда йўловчиларга хизмат кўрсатади. Шундай бўлса–да, Тошкент шаҳри бўйича жамоат транспорти тизимидаги транспорт турларининг йўловчилар ташиш ҳажми 2009 йилдан 2018 йилга қадар 2.05 баробар камайган.

Дунёнинг етакчи олимлари шаҳар жамоат транспортида хизмат кўрсатиш сифатини баҳолашни турли кўрсаткичлар билан боғлаганлар ва турли мезонларни ишлаб чиққанлар. Олимлар томонидан мазкур масала юзасидан таклиф этилган мезонлар таҳлил қилинганда сиғимдан фойдаланиш коэффиценти энг асосий кўрсаткичлардан бири эканлиги аниқланди. Муҳим ҳисобланган сифат кўрсаткичлари (йўналишдаги автобуслар сони, ҳаракат мунтазамлиги, йўловчининг транспортда бўлиш вақти, автобуснинг сиғими ва бошқалар) орқали сиғимдан фойдаланиш коэффицентининг меъёрий қийматини таъминлашга ва бу орқали йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини оширишга эришиш мумкин.

Автобуснинг бир қатнов давомида ташиган йўловчилари сонини аниқлаш (1) ифодаси, формулалар орқали транспорт хизмати сифат кўрсаткичларини интеграл баҳолаш мезони (2) такомиллаштирилди.

$$Q_{кат} = q_n \cdot \gamma \cdot \eta_{ал} \quad (1)$$

бу ерда: $Q_{кат}$ – бир қатновда ташилган йўловчилар сони; q_n – автобуснинг номинал сиғими; γ – сиғимдан фойдаланиш коэффиценти; $\eta_{ал}$ – йўловчиларнинг алмашинувчанлик коэффиценти.



1–расм. Автобус йўналишларида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш асосий сифат кўрсаткичларининг сиғимдан фойдаланиш коэффицентига боғлиқлик схемаси

$$\gamma = \frac{Q_{\text{кун}} \cdot (t_{\text{хар}} + i_{\text{об}} \cdot t_{\text{об}} + t_{\text{ох.б}} + t_{\text{бош}})}{q_n \cdot \eta_{\text{ал}} \cdot A_{\text{ши}} \cdot T_m \cdot K_{\text{мунт}}} \quad (2)$$

Шаҳар автобус йўналишларида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатига таъсир этувчи кўрсаткичларнинг таҳлиллари, уни белгиловчи параметрларнинг сиғимдан фойдаланиш коэффициентига боғлиқлик схемасини ишлаб чиқиш имконини берди (1–расм).

Ишлаб чиқилган схема мураккаб тизимларнинг синтези натижаси бўлиб, автобусларда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини логистик бошқариш услубларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Шаҳар автобус йўналишларида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини оширишнинг назарий асослари”** деб номланган иккинчи бобида шаҳар автобус йўналишларида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш, сиғимдан фойдаланиш коэффициентини моделлаштирувчи алгоритмни, автобусларнинг ҳаракатланиш режими билан бошқариладиган чорраҳалар орасидаги боғлиқликни аниқлаш, перегон участкаларда автобусларнинг режалаштирилган ҳаракат интервалини таъминлаш усуллари ишлаб чиқишга оид назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган (муаллифлик таърифига мувофиқ “перегон участка” дейилганда автобуслар тўхтаб ҳаракатланадиган объектларнинг (иккита бошқариладиган чорраҳанинг, тартибга солинмайдиган пиёдалар ўтиш жойларининг ёки бошқариладиган чорраҳа ҳамда тартибга солинмайдиган пиёдалар ўтиш жойларининг ва шу кабилар) оралиғи тушунилади).

Сиғимдан фойдаланиш коэффициентига таъсир этувчи барча кўрсаткичлар ташкил этувчиларининг назарий жиҳатдан ифодаланиши қуйида келтирилади.

Масалан, оралиқ бекатларда автобуснинг туриб қолиш вақти бекат бандлиги туфайли унинг бекатга киришини кутиб қолиш, автобусдан йўловчиларни тушириш, автобусга йўловчиларни чиқариш ва унинг бекатдан чиқишини кутиб қолиш (агар бекатнинг чиқиш йўлакчаси банд бўлса), автобуснинг бекатга киргандан чиқиб кетгунча ҳаракатланиш вақтларидан иборат бўлади.

$$t_{\text{об}}^n = t_{\text{кир.кут}}^n + t_{\text{ўл.туш}}^n + t_{\text{ўл.чик}}^n + t_{\text{чик.кут}}^n + t_{\text{хар}}^n \quad (3)$$

бу ерда: n – биринчи ва $n_{\text{ох}}^o$ – охириги бекат рақамларидан иборат тўпламга тегишлидир, яъни $n \in \{ 1 \div n_{\text{ох}}^o \}$.

$t_{\text{кир.кут}}^n$ – бекат бандлиги туфайли автобуснинг бекатга киришни кутиб қолиш вақти, соат; $t_{\text{ўл.туш}}^n$ – автобусдан йўловчиларни тушириш вақти, соат; $t_{\text{ўл.чик}}^n$ – автобусга йўловчиларни чиқариш вақти, соат; $t_{\text{чик.кут}}^n$ – автобус бекатдан чиқиши учун кутиб қолиш вақти (агар бекатнинг чиқиш йўлакчаси банд бўлса), соат; $t_{\text{хар}}^n$ – автобуснинг бекатга киргандан чиқиб кетгунча ҳаракатланиш вақтлари, соат.

Юқорида қайд этилган (2) ифодада $i_{об}$ ва q_n параметрлар аввалдан берилган ўзгармас катталиклар ҳисобланади, автобуснинг сиғимидан фойдаланиш коэффициентига бу параметрлар таъсирини функционал боғланиш орқали ифодалаш мумкин:

$$\gamma = f_{фун}(i_{об}, q_n) \quad (4)$$

Қолган параметрлар тасодифий табиатга эга бўлганлиги учун сиғимдан фойдаланиш коэффициенти билан улар орасидаги боғлиқлик тасодифий боғланиш асосида ифодаланади:

$$\gamma = f_{мас}(Q_{кун}, t_{хар}, t_{об}, t_{охб}, t_{боиш}, \eta_{ал}, A_{иш}, T_m, K_{мун}) \quad (5)$$


Автобуснинг сиғимидан фойдаланиш коэффициентини аниқлаш учун тасодифий катталикларнинг ўртача қиймати ҳисоблаб топилади. Улардан фойдаланиб сиғимдан фойдаланиш коэффициентининг ўртача қиймати аниқланади. Эҳтимоллар назариясига кўра аргумент билан уни аниқловчи параметрлар орасида чизикли боғланиш мавжуд бўлганида бу усулни қўлласа бўлади. Аммо боғланиш даражали бўлса, олинган натижавий ўртача математик кутиш қиймати ҳақиқий қийматдан силжиган бўлади.

Шу туфайли, автобусларни сиғимидан фойдаланиш коэффициентининг тасодифий қийматлари уни ташкил этувчи тасодифий кўрсаткичларни моделлаштириш орқали аниқланади. Автобусларнинг сиғимидан фойдаланиш коэффициентини аниқлаш учун ишлаб чиқилган ташкил этувчи тасарруф кўрсаткичларининг тақсимланиш қонунлари ва параметрларини моделлаштирувчи алгоритмининг блок–схемаси 2–расмда келтирилган.

Маълумки, автобусларнинг йўналишда асоссиз вақт йўқотишларининг катта қисми чорраҳаларга тўғри келади. Ҳаракат жадаллиги юқори бўлган бошқариладиган чорраҳаларда ушланиб қолишлар энг катта миқдорни ташкил этади. Шу сабабдан, бошқариладиган чорраҳалар орқали автобуслар ҳаракатини тадқиқ қилиш жамоат транспорти ишини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Алоҳида бошқариладиган чорраҳада транспорт оқими ҳаракатини математик кўринишда ёзиш учун Марков занжири усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Транспорт воситалари бошқариладиган чорраҳаларга келишлари ва ундан ўтиб кетишларини назарий жиҳатдан талқин этиш учун “Оммавий хизмат кўрсатиш тизими”ни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, транспорт воситаларини чорраҳадан ўтказиб юборишни таъминлаш жараёнига уларга хизмат кўрсатиш жараёни сифатида қараш мумкин.

Бошқариладиган чорраҳада ҳаракат жараёнини “Оммавий хизмат кўрсатиш тизими” орқали талқин этиш, бу жараённинг турли эҳтимолий ҳолатларини аниқлаш ҳамда берилган параметрлар (каналлар сони (k), транспорт воситалари оқимларининг чорраҳага келиш жадаллиги (λ), чорраҳадан ўтиб кетиш вақти ва ҳ.к.) ва бошқариладиган чорраҳадаги светофор объектининг ишлаш самарадорлиги характеристикалари ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш вазифаларини ҳал этиш мумкин. Бундай характеристикалар сифатида қуйидагилар кўриб чиқилиши мумкин:



2–расм. Йўналишларда автобуслар сифимидан фойдаланиш коэффицентини моделлаштирувчи алгоритмнинг блок–схемаси

- вақт бирлиги ичида чорраҳадан ўтиб кетадиган транспорт воситалари сони ёки чорраҳанинг абсолют ўтказиш қобилияти (A);
- вақт бирлиги ичида чорраҳага келадиган транспорт воситаларини ўтказиб юбориш эҳтимоллиги ёки чорраҳанинг нисбий ўтказувчанлик қобилияти (Q);

$$Q = \frac{A}{\lambda}; \quad (6)$$

- чорраҳага кириб келган транспорт воситаларини ўтказиб юбормаслик эҳтимоллиги ($P_{рад}$);

$$P_{рад} = 1 - Q; \quad (7)$$

- чорраҳадаги транспорт воситаларининг ўртача сони (чорраҳада светофорнинг қизил чироғида кутиб турган ёки қизил чироқ яшил чироққа алмашганда навбат кутиб турган транспорт воситалари сони) (\bar{z});

- чорраҳадан ўтиш учун навбат кутиб турган транспорт воситаларининг ўртача сони (\bar{r});

- транспорт воситаларининг чорраҳани кесиб ўтиш учун кетадиган ўртача вақти (навбатда турган ёки тўхтамасдан ўтиб кетаётган) ($\bar{t}_{музим}$);

- транспорт воситасининг навбатда турган ўртача вақти ($\bar{t}_{навбат}$);

- светофор объектининг рад этишлар (қизил ва сариқ чироқлар) сони (\bar{R}).

Барча ҳолатларда ушбу характеристикалар вақтга боғлиқ бўлади. Шу билан бирга “қаттиқ” режимда ишлайдиган светофор объектлари ўзгармас катталиклар орқали ишлаганлиги учун уларни стационар ҳолатга яқин деб қараш мумкин. Транспорт оқимларига бошқариладиган чорраҳада хизмат кўрсатиш жараёнида бу ҳолатни такрорламаслик мақсадида ҳар қандай ҳолатнинг фиксал эҳтимолийлиги ва светофор объекти иш самарадорлиги фиксал характеристикаларини уларнинг стационар режими ҳолати учун қуйида кўриб чиқилади.



3–расм. Бошқариладиган чорраҳадаги транспорт воситаси ҳаракатининг граф ҳолатлари

Бошқариладиган чорраҳаларда кузатиладиган ҳаракатланиш тартиблари сифатида қуйидаги ҳолатлар кўриб чиқилди:

1. Оддий қўшимча секцияларга эга бўлмаган светофор объектига эга чорраҳа.

2. Маълум йўналиш бўйича қўшимча секцияларга эга бўлмаган ва қўшимча тактларсиз светофор объектига эга чорраҳа.

3. Чорраҳада навбат кутиб турган транспорт воситалари сони юқори даражада, яъни тирбандлик ҳолати вужудга келган ҳолат.

4. Кўрилаётган томондан бир неча такт орқали бошқариладиган светофор объекти.

5. Кўрилаётган томондан бир неча такт орқали бошқариладиган светофор объекти, ҳаракат жадаллиги катта бўлган шароитда.


6. Навбатсиз хизмат кўрсатиш вақти ва оддий транспорт оқимида хизмат кўрсатадиган кўп тактли светофор объекти.

7. Қўшимча секцияларга эга бўлмаган ва қўшимча тактларсиз оддий транспорт оқимларига, эркин хизмат кўрсатиш вақтига эга бўлган, яъни чекланмаган навбат билан хизмат кўрсатадиган светофор объекти.

8. Қўшимча секцияларга эга бўлмаган, қўшимча бошқарув тактларига эга бўлмаган, эркин ҳолдаги транспорт оқимлари ва эркин бошқариладиган вақтига эга бўладиган светофор объекти.

9. Бир неча секцияга эга бўлган, бир неча такт орқали бошқариладиган ҳаракат жадаллиги юқори бўлган ҳолатдаги светофор объекти.

О_t ўқида λ жадаллик билан чорраҳага кириб келаётган транспорт оқими қуйидагича ифодаланади (4–расм):



4–расм. λ жадаллик билан чорраҳага кириб келаётган транспорт оқимига хизмат кўрсатиш

Юқорида кайд этилган ҳолатлар бўйича вазиятларни ўрганиш учун аниқ кўча–йўл тармоқларида бир қатор омилларни ўзида акс эттирадиган ва кўп вақт талаб этадиган синов тадқиқотлари ўтказилиши талаб этилади. Шу сабабли, бу жараёни моделлаштириш орқали бошқариладиган чорраҳаларга шаҳар жамоат транспортининг келиши ва улар орқали ўтиш жараёнларида ўзгариши мумкин бўлган омилларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда, керакли натижавий кўрсаткичларни ҳисоблаш имкониятини яратувчи йўл ҳаракати моделининг блок–схемаси ишлаб чиқилди.

Перегон участкаларда навбатдаги ҳаракатланувчи автобусларнинг ҳаракатланиш параметрларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаларини назарий жиҳатдан ўзгариш қонуниятларини кўриб чиқишда навбатда ҳаракатланаётган автомобиллар орасидаги масофа ва вақт интервалларининг p ва $1-p$ эҳтимолликларини аниқлаш учун Бернулли схемасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар, навбатда ҳаракатланаётган автомобиллар ўртасидаги интерваллар бир–бири билан боғлиқ бўлмаса, у ҳолда, битта автомобилдан иборат бўлган навбатнинг вужудга келиш эҳтимоллиги:

$$P_1 = 1 - p, \quad (8)$$

$1-p$ – биринчи ва иккинчи автомобиллар ўртасидаги интервал, навбат учун керак бўлган интервал S дан катта.

$E(n)$ навбат узунлигини автомобиллар ўртасидаги масофага боғлиқ равишда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$E(n)_{a=1} = e^{kS} \quad (9)$$

$$E(n)_{a=2} = \frac{e^{2kS}}{2kS + 1} \quad (10)$$

$$E(n)_{a=3} = \frac{e^{3kS}}{4(kS)^2 + 3kS + 1} \quad (11)$$

$$E(n)_{a=4} = \frac{e^{4kS}}{10.67(kS)^3 + 8(kS)^2 + 4kS + 1} \quad (12)$$

Диссертациянинг “**Шаҳар автобус йўналишларида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришни тадқиқ қилиш**” деб номланган учинчи боби синов тадқиқотларини режалаштириш, ўтказишни ташкил этиш ва натижаларини расмийлаштиришга бағишланган.

Синов тадқиқотларини ўтказиш турли объектлар билан боғлиқлиги сабабли, жараён икки қисмга ажратиб амалга оширилди. Биринчи қисмда автобус йўналишларида, иккинчи қисмда эса, чорраҳалар ва перегон участкаларда синов тадқиқотлари олиб бориш режалаштирилди.

Автобус йўналишлари бўйича синов натижалари ҳисоб ишлари Тошкент шаҳридаги 12–автобус саройи МЧЖга қарашли 58–сонли “Дўстлик–2 АШБ – Экскаватор заводи АШБ” йўналиши мисолида бажарилди.

Автобуснинг сиғимидан фойдаланиш коэффиценти қийматига таъсир этувчи омиллардан баъзи тасодифий ўзгарувчилар юқорида қайд этилган тадқиқот объекти мисолида таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари асосида “Кунлик ташилган йўловчилар сони”, “Йўналишда ишловчи автобуслар сони”, “Автобусларнинг оралиқ бекатда туриш вақти” кўрсаткичларининг ўзгариш қонунияти аниқланди. Ўтказилган таҳлиллар асосида ушбу кўрсаткичларнинг нормал тақсимот қонуниятига мос тақсимланиши кузатилди.

Синов тадқиқотлари натижалари асосида иш куни давомида автобуслар сиғимидан фойдаланиш коэффиценти ҳисобланди:

$$\gamma = \frac{10578 \cdot \left(\frac{54.3}{60} + \frac{(42+38) \cdot \frac{25}{60}}{60} + \frac{3}{60} + \frac{3}{60} \right)}{106 \cdot 3.49 \cdot 13 \cdot 14.36 \cdot 0.95} = 0.25$$

Ҳисобларнинг кўрсатишича, кўриб чиқиладиган йўналишда автобуслар сиғимидан фойдаланиш коэффицентининг “тиғиз соат” учун қиймати 0.87 эканлиги аниқланди.

2–бобда келтирилган усуллар ёрдамида чорраҳага ўрнатилган светофор объектининг турли ўтказувчанлик кўрсаткичларини аниқлаш мумкин. “Ш.Руставели – Бобур” кўчалари кесишмасида светофор объектининг ўтказувчанлик қобилияти ва хизмат кўрсатиладиган транспорт воситалари жадаллиги аниқланди (1–жадвал).


Ҳисоб натижалари чорраҳанинг иккала йўналиши бўйича ҳам тирбандлик юзага келишини кўрсатди.

Тадқиқот объекти йўналишида (“Ш.Руставели” кўчасидаги “Гематология институти – Жанубий вокзал” перегон участкаси) олиб

борилган синов тадқиқотлари натижалари бўйича ҳисоб ишлари шуни кўрсатдики, автомобиллар зичлиги 35 авт./км.дан ошганда, навбатдаги автомобиллар сони тез суръатлар билан орта бошлайди. Назарий ва синов тадқиқотлари натижалари 5–расмда келтирилган.

1–жадвал

Чорраҳадаги йўналиш	Чорраҳага келаётган транспорт воситалари жадаллиги, мин ⁻¹	Чорраҳанинг абсолют ўтказиш қобилияти, ТВ/мин.
“Ш.Руставели” кўчаси (“Россия” меҳмонхонаси – Жанубий вокзал)	$\mu=1.87$	$A=1.8$
“Бобур” кўчаси (Бешёғоч – Аэропорт йўналиши)	$\mu=1.33$	$A=1.19$



5–расм. Навбатдаги автомобиллар ўртача сонининг уларнинг зичлигига боғлиқлик графиги

Диссертациянинг “Шаҳар автобус йўналишларида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича таклифлар” деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклифлар, амалиётга жорий этилиши ҳамда уларнинг самарасини аниқлаш келтирилган.

Шаҳар автобус йўналишларида сиғимдан фойдаланиш коэффициентининг меъерий қийматини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарурлиги белгиланган:

1. Светофор объекти ёрдамида бошқариладиган бир сатҳли чорраҳалар орқали йўналишли автобуслар ҳаракатини ташкил этишни такомиллаштириш.
2. Перегон участкаларда автобусларнинг режалаштирилган ҳаракат интервалини таъминлаш.
3. Сиғимдан фойдаланиш коэффициенти таъсир этувчи кўрсаткичларнинг боғлиқлик қонуниятини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш механизмини ишлаб чиқиш.

Қуйида ушбу тадбирларни амалга ошириш механизмлари келтирилади.

1. Светофор объекти орқали тартибга солинадиган чорраҳаларда транспорт оқими ҳаракатини бошқариш бўйича ривожланган давлатларда турли усуллардан фойдаланилади. Масалан, Жанубий Кореяда махсус дастур светофор объекти ишоралари ёниш давомийлигини кўчалардаги транспорт оқими ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тақсимлаб беради. Шунингдек, жамоат транспортлари ҳаракатлари учун имтиёзлар мавжуд бўлиб, светофорнинг рухсат берувчи ишорасида ҳаракатланишлар биринчи навбатда ҳисобга олинади. Ҳозирда Жанубий Кореянинг мазкур тажрибаси жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида қўлланмоқда.

Польшада “VISSIM” деб номланган дастур асосида шаҳар кўчаларининг светофор объекти орқали тартибга солинадиган чорраҳалари бир–бири билан боғланган ва кўчаларнинг юкланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, светофор объекти ишораларини бошқаришга мўлжалланган. Ушбу тизим транспорт оқими ҳаракатини бошқаришда жадалликдан ташқари тезликни ҳамда зичликни ҳам ҳисобга олади.

2–бобда баён этилган автобуслар ҳаракатланиш режимига бошқариладиган чорраҳаларнинг таъсирини аниқлаш усули бўйича транспорт тирбандлиги мавжудлиги аниқлангандан кейин, автобус йўналиш бўйича асосиз ушланиб қолишлар вақти йиғиндиси миқдорига тенг вақт бирлигида ҳаракатни илгарироқ бошлаши ҳисобига улар интервални таъминлашга эришиш мумкин бўлади.

2. 5–расмдаги назарий ва амалий натижалар ўртасидаги мавжуд тафовутлар кўча–йўл тармоғида автомобиллар ҳаракатига таъсир этувчи омилларнинг хилма–хиллиги ҳисобланади. Шу сабабли кўча–йўл тармоқларининг перегон участкалари учун алоҳида ҳисоб ишларини олиб бориш ва улар орқали навбат вужудга келишини ва унинг параметрларини ҳисоблаб чиқиш лозим бўлади. Шундан сўнг коэффицентлар аниқланиб, улар орқали автобусларнинг ҳаракатланиш жадвалларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши ва бу кўрсаткичлар ҳар бир вақт оралиғи учун алоҳида–алоҳида ҳисобланиши лозим бўлади. Ҳар бир перегон участкасидаги автобуслар ҳаракат тезликларининг камайиш миқдорлари йиғиндиси орқали йўналиш бўйича қанча асосиз вақт йўқотилишини аниқлаш мумкин. Навбатдаги автобус йўналиши бўйича асосиз йўқотилган вақтлар йиғиндисига тенг бўлган катталиқдаги қийматда ҳаракатни илгарироқ бошлаши ҳисобига белгиланган интервални сақлаб қолишга эришиш мумкин бўлади.

Автобус йўналиши бўйича умумий коэффицентни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_{ум} = k_1 + k_2 + k_3 + \dots + k_n \quad (13)$$

бу ерда: $K_{ум}$ – автобус йўналиши бўйича умумий коэффицент, k_1, \dots, k_n – мос равишда 1, …, n – перегонлар оралиғидаги участкалар коэффицентлари.

3. Имитацион тадқиқотларнинг натижалари чизиқли кўп параметрли функция орқали моделлаштирилди:

$$\gamma = a_0 + a_1 Q_{kun} + a_2 t_{хар} + a_3 t_{об} + a_4 t_{ох.б} + a_5 t_{бош} + a_6 \eta_{ал} + a_7 A_{иш} + a_8 T_{иш} + a_9 K_{мун} \quad (14)$$


бу ерда: Q_{kun} – бир кунда ташилган йўловчилар сони; $t_{хар}$ – автобуснинг бир қатновдаги ҳаракатланиш вақти; $i_{об}$ – оралиқ бекатлар сони; $t_{об}$ – автобуснинг оралиқ бекатда туриш вақти; $t_{ох.б}$ – автобуснинг охириги бекатда туриш вақти; q_n – автобуснинг номинал сиғими; $\eta_{ал}$ – йўловчиларнинг алмашинувчанлик коэффиценти; $A_{иш}$ – йўналишдаги автобуслар сони; T_m – йўналишдаги вақт; $K_{мунт}$ – ҳаракат мунтазамлиги коэффиценти; $t_{бош}$ – бошқа сабабларга кўра йўналишдаги асосиз ушланиб қолиш вақтлари (чорраҳаларда, перегонларда, ...).

Йўналишда автобуслар сиғимидан фойдаланиш коэффиценти таъсир этувчи кўрсаткичларнинг аҳамияти бўйича қуйидаги ифодага эга бўлинди.

$$\gamma = 0.002 + 0.00003 Q_{kun} + 0.0028 t_{хар} + 0.0038 t_{об} + 0.004 t_{ох.б} + 0.002 t_{бош} - 0.0957 \eta_{ал} - 0.0258 A_{иш} - 0.0227 T_m - 0.3442 K_{мун} \quad (15)$$


Автобуслар сиғимидан фойдаланиш коэффиценти энг кўп таъсир этувчи кўрсаткичларнинг графиклари 6–9–расмларда келтирилган.

Автобуслар сиғимидан фойдаланиш коэффиценти энг кўп таъсир этувчи кўрсаткичларнинг боғлиқлик графикларига қуйидагича изоҳларни келтириб ўтиш мумкин. Сиғимдан фойдаланиш коэффицентининг 0.3 дан юқори қийматини таъминлаш учун унга таъсир этувчи кўрсаткичларнинг қийматлари қуйидагича бўлиши, яъни: йўналишларда ишловчи автобуслар сони 13 тадан (6–расм); йўловчилар алмашинувчанлик коэффиценти қиймати 3.67 дан (7–расм); автобуснинг йўналишда бўлиш вақти 14.7–15 соатдан юқори бўлмаслиги (9–расм); мунтазамлик коэффиценти кўрсаткичи қиймати 0.95 дан кам бўлмаслиги (8–расм) лозим.




$$\gamma = 0.619 - 0.024 A_{иш}; (\sigma=1.85)$$

6–расм. Йўналишдаги автобуслар сонининг сиғимдан фойдаланиш коэффицентига боғлиқлик графиги




$$\gamma = 0.621 - 0.089\eta_{ал} ; (\sigma=1.22)$$

7–расм. Йўловчилар алмашинувчанлик коэффициентининг сиғимдан фойдаланиш коэффициентига боғлиқлик графиги



$$\gamma = 0.627 - 0.331K_{мун} ; (\sigma=1.85)$$

8–расм. Мунтазамлик коэффициентининг сиғимдан фойдаланиш коэффициентига боғлиқлик графиги



$$\gamma = 0.639 - 0.023T_{иш}; (\sigma=1.56)$$

9–расм. Автобуснинг йўналишда бўлиш вақтининг сиғимдан фойдаланиш коэффициентига боғлиқлик графиги


Йўналишларда автобусларнинг сиғимидан фойдаланиш коэффициенти нафақат “тиғиз соат”ларда, балки сутканинг барча соатларида меъёрий қийматда бўлиши керак. Бунга эса, транспорт жараёнларини логистик бошқариш орқали эришиш мумкин. Бу жараённи қайтар боғланиш тизими орқали баҳолаш ва бошқаришни 10–расмда кўрсатилгандек ташкил этиш мумкин.

10–расмда: $\gamma_k(t)$ – бошқариш қонуни ёки алгоритми (дастури); $\gamma(t)$ –рационал – бошқариладиган параметрнинг талаб қилинадиган қиймати; $\gamma_u(t)$ – талаб қилинадиган параметрнинг амалдаги қиймати; $\Delta\gamma - \gamma(t)$ –рационал билан $\gamma_u(t)$ ўртасидаги номувофиклик.

10–расмдаги жараённи шундай изохлаш мумкин. $\gamma_k(t)$ – йўналишдаги автобуслар сиғимидан фойдаланиш коэффициентининг киришдаги, яъни амалдаги қиймати, $\gamma_u(t)$ – йўналишдаги автобуслар сиғимидан фойдаланиш коэффициентининг чиқишдаги, яъни талаб этиладиган қиймати.

Автобус саройи ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда, автобуслар сиғимидан фойдаланиш коэффициентига таъсир этувчи тасодифий табиатга эга бўлган қайсидир кўрсаткич(лар)ни такомиллаштириш орқали автобуслар сиғимидан фойдаланиш коэффициентининг талаб этиладиган қийматини таъминлашга эришиши мумкин. Масалан, автобусларнинг йўналишда бўлиш вақти (T_m) бир соатга ўзгартирилса, сиғимдан фойдаланиш коэффициенти (γ) нинг қиймати – 0.0227 бирликка ўзгаради (T_m ошса – γ камаяди, T_m камайса – γ ошади). Автобус саройининг йўналишда бўлиш вақтини максимал ўзгартириш “ γ ” нинг талаб этиладиган қийматини таъминламаса, $\Delta\gamma - \gamma(t)$ рационал билан $\gamma_u(t)$ ўртасидаги номувофиклик юзага келса, унда яна қайсидир тасодифий табиатга эга ўзгарувчи кўрсаткични такомиллаштириш зарур бўлади. Шу тарзда логистик тизимдаги бошқариш жараёнини давом эттириш ёки яқунлаш мумкин.

Автобусларнинг сиғимдан фойдаланиш коэффициентига энг кўп таъсир этувчи кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда, олиб борилган тадқиқот ишлари натижаси бўйича автобус йўналишларининг эксплуатацион кўрсаткичлари аниқланиб, улар ишини яхшилаш мақсадида ҳаракат жадвалларига, йўналиш схемаларига, ҳаракатланувчи таркиб сонига ўзгартиришлар киритилди. Масалан, “12–автобус саройи” МЧЖ бўйича 48–сонли “Сергели саноат минтақаси АШБ – Ал Хоразмий мавзеси АШБ”, 86–сонли “Сергели кўрғони АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ”, 126–сонли “Тошкент қувур заводи бекати АШБ – Чорсу савдо маркази АШБ”, 130–сонли “Сергели 7–дахаси АШБ – Қўйлиқ М–2 АШБ” йўналишларида автобусларни аралаш ишлатиш, куннинг “тиғиз соат”ларида Мерседес Бенц, қолган соатларда Исузу автобусларидан фойдаланиш таклифи ишлаб чиқилди ва автосаройлар йўналишларига жорий этилди.



10–расм. Сиғимдан фойдаланиш коэффициентини меъёрлаш орқали йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини оширишни логистик бошқариш схемаси


Ривожланган давлатлар (Жанубий Корея, Польша, ...) тажрибасини кўча–йўл тармоқларида транспорт оқими ҳаракатини бошқариш жараёнида қўллаш орқали транспорт тирбандлиги бартараф этилса (ёки камайтирилса), йўналишда ишловчи автобуслар ҳаракатидаги кўрсаткичларнинг “тиғиз соат”лардаги ўзгариши 11–расмда келтирилади.

Йўналишдаги автобуслар иш кўрсаткичларини яхшилаш бўйича натижалар 11–расмда келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шаҳар автобус йўналишларида йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифларни амалиётга жорий этишдан олинандиган самара, асосан, ижтимоий жиҳати билан тавсифланади, шу билан бирга, иқтисодий самарага ҳам эришилади.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклифларни амалиётга жорий этиш орқали “Ш.Руставели – Бобур” чорраҳаси учун, бир соатлик, йўловчиларнинг йўналишда бўлиш вақтини камайтириш билан боғлиқ

ҳаражатларни “тиғиз соат”да, (1 соатда) 270563.6 сўмгача тежаш мумкинлиги аниқланди.



11–расм. Мавжуд ва таклифдан кейинги ҳолатлар учун йўналишдаги автобуслар иш кўрсаткичлари

Йўналишда ишловчи автобусларнинг ҳаракат кўрсаткичларини аниқлаш учун ўтказилган синовлар ва 2–бобдаги имитацион модел сонли татбиқи “MATLAB” дастури асосида таҳлил қилинди.

ХУЛОСА

1. Автобусларда хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган мезонларнинг таҳлиллари натижасида асосий кўрсаткич – сигимдан фойдаланиш коэффиценти эканлиги аниқланди, уни интеграл баҳолаш мезони такомиллаштирилди.

2. Синов тадқиқоти маълумотлари бўйича ҳисоб натижалари, тадқиқот объекти йўналишидаги “Ш.Руставели – Бобур” кўчалари чорраҳасига (“Ш.Руставели” кўчаси (“Россия” меҳмонхонаси – “Жанубий вокзал”) йўналишида) келаётган транспорт воситалари сони $\mu=1.87$ мин.⁻¹, унинг абсолют ўтказиш қобилияти $A=1.8$ мин. эканлигини кўрсатди. “Бобур” кўчаси (“Бешёғоч” мавзеси – “Аэропорт”) йўналишида чорраҳага келаётган транспорт воситалари сони $\mu=1.33$ мин.⁻¹, унинг абсолют ўтказиш қобилияти $A=1.19$ мин. эканлигини кўрсатди. Олинган натижалардан чорраҳада тирбандлик мавжудлиги аниқланди.

3. Тадқиқот объекти йўналишининг “Ш.Руставели” кўчасидаги “Гематология институти – Жанубий вокзал” перегон участкаси мисолида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, автобуслар ҳаракат тезлигининг оқим билан боғлиқлиги тармоқдаги автомобиллар зичлиги 35–36 ТВ/км.дан ошганда кузатилиши аниқланди.

4. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари чизикли кўп параметрли боғланишлар асосида моделлаштирилди ва синов тадқиқотлари натижасида автобусларнинг сигимдан фойдаланиш коэффицентиغا боғлиқ бўлган

омилларнинг таъсири даражаси бўйича қийматлари аниқланди. Автобусларнинг сиғимдан фойдаланиш коэффицентининг рационал даражасини таъминлаш учун бу кўрсаткичлар куйидаги қийматларга эга бўлиши лозимлиги аниқланди: $a_1 = 0,00003$ $1/йўловчи$ ($Q_{кин}$ —бир кунда ташилган йўловчилар сони); $a_2 = 0,0028$ $1/соат$ ($t_{хар}$ —автобуснинг бир қатновдаги ҳаракатланиш вақти); $a_3 = 0,0038$ $1/соат$ ($t_{об}$ —автобуснинг оралиқ бекатда туриш вақти); $a_4 = 0,004$ $1/соат$ ($t_{ох.б}$ —автобуснинг охириги бекатда туриш вақти); $a_5 = 0,002$ $1/соат$ ($t_{бош}$ —бошқа сабабларга кўра йўналишдаги асоссиз ушланиб қолиш вақтлари (чорраҳаларда, перегонларда,...)); $a_6 = -0,0957$ ($\eta_{ал}$ — йўловчилар алмашинувчанлик коэффиценти); $a_7 = -0,0258$ $1/авт$ ($A_{уш}$ — йўналишдаги автобуслар сони); $a_8 = -0,0227$ $1/соат$ (T_m —йўналишдаги вақт); $a_9 = -0,3442$ ($K_{мунт}$ —ҳаракат мунтазамлиги коэффиценти).

5. Автобуснинг сиғимдан фойдаланиш коэффицентини ташкил этувчи параметрларнинг ҳар бирининг таъсир даражасини аниқлаш мақсадида уларнинг чизиқли боғланиш қонуниятлари аниқланди. Аниқланган қонуниятлар ифодалари куйидагича:
 $\gamma = 0.00000256 + 0.00000003Q_k$, ($\sigma=0.09$); $\gamma = 0.127 + 0.002t_x$, ($\sigma=0.16$);
 $\gamma = 0.219 + 0.004t_{об}$, ($\sigma=0.45$); $\gamma = 0.302 + 0.002t_{охб}$, ($\sigma=0.87$);
 $\gamma = 0.289 + 0.003t_{бош}$, ($\sigma=0.79$); $\gamma = 0.621 - 0.089\eta_{ал}$, ($\sigma=1.22$);
 $\gamma = 0.619 - 0.024A_{уш}$, ($\sigma=1.85$); $\gamma = 0.639 - 0.023T_m$, ($\sigma=1.56$);
 $\gamma = 0.627 - 0.331K_m$, ($\sigma=1.85$).

6. Ҳисоб натижаларига кўра, “тиғиз соат”да “Ш.Руставели–Бобур” чорраҳаси орқали “Россия” меҳмонхонаси – “Жанубий вокзал” йўналиши бўйича ҳаракатланаётган автобуслар йўловчиларининг йўналишда бўлиш вақтини камайтириш орқали иқтисодий йўқотишларни 1 соатда 270563.6 сўмгача камайтириш мумкинлиги аниқланди.

7. Автобусларнинг бошқариладиган чорраҳалар орқали ҳаракатланиши жараёнида асоссиз ушланиб қолишларни бартараф этилиши йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифат кўрсаткичларининг ижобий томонга ўзгаришини кўрсатди. Ҳисоб натижаларига кўра, Тошкент шаҳри 12–автобус саройига қарашли 58–сонли “Дўстлик–2 АШБ – Экскаватор заводи АШБ” автобус йўналишида техник тезликни 3.78 км/соатгача оширишга, айланма қатнов вақтини 0.23 соатгача, ҳаракат интервалини 1.1 минутгача, сиғимдан фойдаланиш коэффиценти қийматини 0.13 гача камайтиришга эришиш мумкинлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.09.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО
ПРОЕКТИРОВАНИЮ, СТРОИТЕЛЬСТВУ И ЭКСПЛУАТАЦИИ
АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГ И ТУРИНСКОМ ПОЛИТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ В ГОРОДЕ ТАШКЕНТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ПО ПРОЕКТИРОВАНИЮ,
СТРОИТЕЛЬСТВУ И ЭКСПЛУАТАЦИИ АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГ**

АБДУЛЛАЕВ БОТИР ИНАТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КАЧЕСТВА
ТРАНСПОРТНЫХ УСЛУГ НА ГОРОДСКИХ АВТОБУСНЫХ
МАРШРУТАХ**

05.08.06 – Колесные и гусеничные машины и их эксплуатация

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.4.PhD/Т289.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском институте по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tayl.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Назаров Анвар Арипович кандидат технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Алимухамедов Шавкат Пирмухамедович доктор технических наук, профессор Сидикназаров Кахрамон Миллябаевич доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc. _____ 2019.Т.09.01 при Ташкентском институте по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог и Туринском политехническом университете в городе Ташкенте. (Адрес: 100060, г.Ташкент, проспект А.Темура, 20. Тел./факс: (99871) 232-14-39, e-mail: tadi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100060, г.Ташкент, проспект А.Темура, 20. Тел.: (99871) 232-14-45.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2019 года).

А.А.Рискулов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доц.

Х.М.Мамарахимов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.т.н.

А.А.Мухитдинов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всех крупных городах мира показатели качества оказываемых населению транспортных услуг, в частности вопрос своевременного приезда пассажиров до пункта назначения без лишних задержек в пути и в комфортных условиях, имеют решающее значение в современном решении существующих проблем, а также повышения качества обслуживания. В развитых зарубежных государствах, таких как США, Великобритания, Германия, Франция, Сингапур, Япония, Южная Корея, особое внимание уделяется разработке новых научно–технических решений по повышению качества обслуживания на городских автобусных маршрутах¹.

В мире проводятся научные исследования в направлениях оказания транспортных услуг населению, совершенствования работы городского общественного транспорта на основе комплексных подходов. В связи с этим крайне важное значение имеет определение взаимосвязи критерия интегральной оценки показателей качества транспортных услуг на городских автобусных маршрутах, их режима движения и управляемых перекрестков, осуществление целевых научных исследований по обеспечению планового интервала движения на участках перегона. Вместе с этим необходимо разработать методы обеспечения установленной нормы показателей качества.

